

## Японлар мусулмон олимпиячилар учун ҳалол таомлар тайёрлайди



11:35 / 17.11.2018 2365

2020 йилда Япония пойтахти Токио шаҳрида бўлиб ўтадиган ёзги Олимпиада ва Паралимпиада ўйинларига тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилмоқда.

Япон ресторани олимпия ўйинларида мусулмонлар учун ҳалол таомлар тайёрлаб бериш учун ўзларининг таомномаларини таклиф этмоқдалар, деб хабар беради The Japan News.

Маҳаллий ресторан эгалари миллий таомларидан воз кечишни режалаштирмаётган бўлсалар-да, маълум қисмини мусулмонлар таомларига алмаштирмоқчи, деб ёзади НСН.

Бош ошпазлар учун биринчи ўқув машғулоти сентябрь ойида бўлиб ўтган. Унда ҳалол таомлар тайёрлаш учун махсус товуқ ва мол гўшлари хорижий мамлакатлардан келтирилди. Ошпазлар, шунингдек, таркибида алкоголь моддаси бўлган саке, мирин, уксусларсиз махсус рецепт бўйича соуслар ҳам тайёрлаганлар.

“Ҳақиқий меҳмондўстлик меҳмонларга кенг танлов имкониятини яратишдан иборатдир”, дейди Япония ҳалол уюшмаси директори “Федерал

Пресс” нашрига берган интервьюсида.

2020 йилда Токио шаҳрида бўлиб ўтадиган ёзги Олимпиада ва Паралимпиада ўйинлари рамзий жониворларига Мирайтова ва Сомэйти деб ном берилган.

***Islom.uz портали таҳририяти***